



## Ислом Нури

Қалб касалликларидан яна бири ўзига бино кўймоқ:

Дунёда ўзига бино кўйиш ва манманликдан кўра амалларни бузувчирок нарса йўқ. У гунохларни унитиш ва уларга бе парво бўлишга чакиради. Бу касалликка мубтало бўлган киши баъзи гунохларини арзимас билиб эсламайди ҳам, эсига тушганларини эса парво қилмай, уларни йўқотишга ҳаракат қилмайди. Аллоҳ гунохларимни кечириб юборади деб ўйлайди.

Агар баъзи яхши амалларни қилган бўлса, уларни жуда катта санаб, қилган ишини Аллоҳга миннат қилади. Аллоҳ унга шу амалларни қилишга қудрат ва имконият бериб кўйганини эса эсламайди. У ўша амаллари билан завкланиб кетиб, оқибатини «нақд» деб ўйлайди. Чунки ўзига бино кўйган киши ўз нафси ва фикрига алданиб қолиб, Аллоҳнинг макри ва азобидан хотиржам бўлади, ўзини Аллоҳнинг ҳузурда олий мақомдаман деб ўйлайди. Бундай одамни манманлик ўзига ҳамду сано айтишгача олиб боради. Ўзига махлиё кимсалар бировлар сўзига кулок тутишдан, билмаган нарсаларини сўрашдан уяладилар. Оқибат хато йўлларида бардавом бўлиб ҳаётларини ҳалокат билан яқунлайдилар.

Қалб касалликларидан яна бири мағрурликдир:

Абу Хурайра разияллоху анху дан: Расулуллоҳ саллаллоху алайхи ва саллам дедилар:

«Кибр билан кийимини тўпигидан паст қилиб юрган кишига қиёмат куни Аллоҳ таъоло қарамайди». (Имом Бухорий ва Имом Аҳмад ривоятлари)



## Ислом Нури

Ибн Умар разияллоху анху дан: Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам дедилар:

«Сизлардан олдин ўтган халқлардан бир киши кибр билан кийимини тўпигидан паст килиб юрарди, Аллохнинг буйруғи билан уни ер ютиб юборди ва киёмат кунигача ерга киришда давом этади». (Имом Бухорий ва Имом Насоий ривоятлари)

Қалб ўзининг мусулмон табиати билан хидоятни қабул қилувчи, унга қўйилган шахват ва хавои нафсдан юз ўгирувчидир. Қалбда фаришталар ва шайтон аскарлари ўртасида жанг бўлади. Кейин голиб тараф қалбни ўзига ватан килиб олади, бошқаси эса унга ўгирликча хужум килиб туради. Аллох таъоло айтганидек:

**«...ўзи жин ва инсанлардан бўлган, инсонларнинг дилларига васваса соладиган, (қачон Аллохнинг номи зикр қилинса) яшириниб оладиган васвасачи (шайтон)нинг ёмонлигидан панох беришини сўраб илтижо қилурман».** (Нос:3-6) Яъни қачон Аллох зикр қилинса қочиб, яшириниб олади, гафлат бўлса хурсанд бўлиб, эркин юради. Шайтоннинг аскарини қалбдан фақат Аллохнинг зикри қувиб чиқара олади, зеро, зикр бор ерда унга ўрин йўқ.

Эй Аллохнинг бандалари, огох бўлинг, кўп қалбларни шайтонлар забт этиб, эгаллаб олган. Натижада қалблар дунёни афзал билиб, охиратни ташлашга чакирадиган васвасалар билан тўлган. Шайтон қалбни эгаллаб олишининг асосий сабаби шахват ва хавои нафсга эргашишдир. Энди бу қалбларни хидоятга очиб бўлмайди. Қалбни обод қилиш эса Аллох таъолонинг зикри биландир.

Жобир ибн Убайда ал-Адавий деди: «Мен Ало ибн Зиёдга қалбимда



## Ислom Нури

васваса борлигидан шикоят қилган эдим. У шундай деди: Бу мисоли ўғрилар қирган уйга ўхшайди. Агар унда бирон нарса бўлса, иложини қилиб ўша нарсани олиб кетади, илашадиган нарса бўлмаса, ноумид бўлиб қайтади». Яъни хавои нафсдан холи қалбга шайтон қиролмайди, шунинг учун Аллох таъоло деди:

«Менинг (*уймон-эътиқодли*) бандаларим устига сен учун ҳеч қандай ҳуқумронлик бўлмас». (Исро:65)

### **Қалб муолажаси**

Эй Аллохнинг бандаси, агар қалбингизни даволашни ва унинг соғайишини истасангиз, Аллохга илтижо қилинг, нафл ибодатларга муҳаббат қўйинг, кечаси одамлар ухлаётганда туриб, кўзда ёш билан намозлар ўқинг. Кўп зикр қилиб, яхши инсонлар билан бирга бўлинг, чунки уларнинг сўхбати касал қалбнинг соғайишига яхши ёрдамчидир.

**«Сиз ўзингизни эртаю-кеч Парвардигорлари юзини истаб, Унга илтижо қиладиган зотлар билан бирга тутунг! Кўзларингиз, ҳаёти дунё зийнатларини кўзлаб, улардан ўтиб, (ўзга ахли дунёларга бокмасин)!».** (Қахф:28)

Азиз биродар, сиз қалбингизга ёмон шубҳа, ҳаром шаҳват ва бузгунчи офат қиришидан эҳтиёт бўлинг, гафлатдан ва гофил бандалардан йирок юринг. Чунки гафлат илмга қарши ва уни йўқотувчидир. Аллох таъоло гафлат ахлини қоралади, уларга итоат этиб фикрларини қабул қилишдан қайтарди.

**«Гофиллардан бўлманг».** (Аъроф:205)



## Ислом Нури

**«Ва Биз, калбини Бизни зикр этишдан гофил килиб кўйган, хавойи нафсига эргашган ва килар иши исрофгарчилик бўлган кимсаларга итоат этманг!». (Кахф:28)**

Бир олимдан инсон суратларига ошиқ бўлиш хақида сўралганида у дедик: «Аллох зикридан гофил калбларни Аллох таъоло ўзгаларга бандчилик килиш билан балолаб кўяди». Гофил калб шайтоннинг уясидир, чунки шайтон унга турли васвасаларни ва ботил хаёлларни ташлаб туради. Качон Аллох зикр килинса, кочиби яширинади, Аллох зикр килинганида у кичкина бўлиб кетади. У доим банданинг гафлатда бўлишини кутиб туради. Фурсат келиши билан унинг калбига орзу-хаваслар, шахватлар ва ботил хаёллар уругини сочади. Натижада калбда чакир тиканлар ва бало-мусибатлар ўсиб чиқади. Ботил ўй-хаёллар бутун калбни коплаб, уни кўр килиши учун шайтон доим уларни сугориб, парваришлаб туради.

Эй Аллохим, калбларимизни такво билан зийнатлагин ва уни поклагин, Сен энг яхши поклагувчидирсан. Сен уларнинг хожаси – эгасисан. Эй Аллохим, калбларимизни мунофиқликдан, кўзларимизни хиёнатдан ва тилларимизни ёлгондан саклагин. Эй Аллохим, Куръонни калбларимизга зиё, кўзларимизга нур қилгин! Бизни унга амал қилувчилардан ва унга чакирувчилардан қилгин. Эй Аллохим, бизни, ота-оналаримизни ва барча мусулмонларни мағфират қилгин. Эй Аллохим, пайгамбаримиз Мухаммадга, у зотнинг оила аъзоларига ва барча саҳобаларига салоту саломларингни юборгин. Омийн.